


Мамлакатимизда

- **Кеча** Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинганлига 10 йил тўди.
- Термизда шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан қурилган «Тадбиркорлар маркази» фойдаланишга топширилди.
- Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жан Лемьер мамлакатимизга ташрифи якунида Тошкент аэропортининг қайта таъмирланаётган қисмини бориб кўрди.
- Андижондаги Ўзбекистон-Корея «Ўз-Корам Ко» қўшма корхонасида заводнинг иккинчи навбати очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» автомобиллари бамперларини бўёқдан чиқарадиган янги линия фойдаланишга топширилди.
- Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан Наманган вилоятида тадбиркор аёлларнинг республика семинари бўлиб ўтди.
- Навоий вилоятида фермер ҳўжалиklarининг кўрик-танлови ўтказилди.
- Андижонда дунёдаги энг йирик уяли алоқа компанияларидан бири ҳисобланадиган «COSCOM» компаниясининг бўлими фаолият кўрсата бошлади.
- Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида корейс тили хонаси очилди. Ушбу маросимда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Чанг Хун иштирок этди.
- Наманганда «Ёшлар ва инсонпарварлик» мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиз ёшлари билан бир қаторда киргизистонлик талабалар, Халқаро Қизил хоч кўмитаси вакиллари қатнашди.
- Пойтахтимизда «Сарҳисоб» республика театр санъати фестивали бошланди. Ушбу тадбир пайтида мустақиллик йилларида саҳнага қўйилган энг яхши томошалар кўрсатилди.
- «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими мутасаддилари Оҳангарон туман марказий касалхонасига умумий қиймати 500 миң сўмлик дори-дармон ва тиббий жиҳозлар хайрия килди.
- Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасида хизмат вазифини ўташ пайтида ҳалок бўлган 8 нафар Қуриқ ер милиционерларига бағишланган хотира мажмуи очилди.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР



Илгари хабар қилинганидек, 16-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Халқимизда «кўшининг тинч, сен тинч», деган мақол бор, — деди жумладан Ислам Каримов. — Бу гап дини, тили, тарихи, урф-одатлари бир бўлган қозоқ биродарларимизга ҳам бевосита тааллуқлидир. Шундай экан, минтақамизда нотинч вазият юзага келган бир пайтда ўз кўшинларимиз билан янада жипслашиб, янада иноқ бўлиш жуда зарур.

Бу галги таъриф давомида Қозоғистон раҳбарияти билан ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ана бир бор фикрлашиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, бўлажак учрашуларда давлатларимиз ўртасидаги чегараларни демиллатиш қилиш, яъни чегараларни тугал аниқлаб олиш масаласини ҳам муҳокама этиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари шуни маълум қилар экан, бу масалани икки давлат ўртасида «темир девор» ўрнатилар экан, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари аввалгидек бемаълум борди-келди қилверадди. Фақат икки мустақил давлат халқаро ҳамжамиятда тан олинган андозлар асосида чегараларини ўзаро аниқлаб олиши зарур, деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида қатор янги қўшма ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Саидмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири.

юзага келган вазият муҳокама қилиниб, терроризмга қарши курашда барча давлатлар ҳамжихат бўлиши кераклиги таъкидланди.

Мулқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Президентларнинг суҳбатидан кўтарилган мазмун муҳокама ҳамда эътиборли.

Музокара якунида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг қўшма баёноти ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартномага имзо чекди. Ташқи ишлар вазирлари даражасида эса чегара масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар тўғрисида шартнома, ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, чегара вакиллари фаолият участкалари тўғрисида протокол қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин бўлган матбуот анжуманида Президентлар музокаралар натижалари ҳамда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Нурсултон Назарбоев Ислам Каримовнинг ташрифини тарихий воқеа деб атади. Зеро, бу таъриф чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегаралари тўғрисида шартнома имзоланди. Ислам Каримов айтдики, мазкур ҳужжати имзолаш орқали биз учта муҳим ишни амалга оширдик. Биринчидан, чегара масаласида бир-биримизга эътироз йўқлигини тасдиқладик. Иккинчидан, тўла ҳуқуқий муносабатлар ўрнатилган шартнома имзоланди. Учинчидан, ҳар хил ивгогарларнинг уйдирмаларига батамом чек қўйдик.

Оқшом Президент Ислам Каримов шарафига Қозоғистон раҳбари номидан қабул маросими уюштирилди.

СУРАТДА: Президентлар учрашуви Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат.

Ташрифининг иккинчи кунини Остона шаҳридаги Қозоқ миллий музейини зiyorат қилиш билан бошланди. Юсак мартабали меҳмонга музей экспонатлари, бу ердаги тарихий ашёлар хусусида тўлиқ маълумот берилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Ватан ҳимоячилари ёдгорлигига ташриф буюриб, сиёсий қатъонга учраган қозоқ ўғлонларини ёд олиб таъзим бажо келтиришди. Кейин эса дўстлик рамзи сифатида бу ерга кўчат экилди.

Шунинг билан мамлакатимиз Президентининг Қозоғистонга қилган икки кўнлик расмий ташрифи ниҳоятга етди.

Остона аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қолди.

Шу куннинг ўзидаёқ давлатимиз раҳбари Остона шаҳридан Тошкентга қайтиб келди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Бектемир туманидаги Абай маҳалласида Фуқаролар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ёшларни миллий истиклол гоёси руҳида тарбиялашнинг муҳим аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

● **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида маҳалла фаоллари ҳамда ёшлари иштирокида ёшлар тарбиясининг доллар масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатидан тўман Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТДА** педагоглар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман масофавий ўқитиш тизими ва электрон дарсликларни яратишни қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** архитектура ва уй-жой қурилиш институтида талабалар иштирокида бўлиб ўтган анжуман «Муҳандислик технологиялари ва коммуникация соҳаси муаммолари» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Республика Очқўқўрғон институтининг кўмак жамғармаси ташаббуси билан иқтисод фани ўқитувчиларининг малакасини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетининг маданият саройида талабалар иштирокида «Юртимиз тинчлиги — бизнинг бахтимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди ҳамда қатнашчиларга «Турон» театр студияси томонидан яратилган «Узлгининг унутма» спектакли намойиш қилинди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 100-мактабда Яқсарой туманидаги 16 та мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2001» спорт мусобақасининг туман bosқичи ниҳосини етди. Унда тумандаги 89-мактабнинг ёш спортчилари биринчи ўринни эгаллашди.

ва маърифат маркази ташаббуси билан «Маънавият ва ҳуқуқий маданият» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 82-мактабда мазкур билим маскани юқори синф ўқувчиларининг ёш ижодкорлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТДА** педагоглар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман масофавий ўқитиш тизими ва электрон дарсликларни яратишни қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** архитектура ва уй-жой қурилиш институтида талабалар иштирокида бўлиб ўтган анжуман «Муҳандислик технологиялари ва коммуникация соҳаси муаммолари» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Республика Очқўқўрғон институтининг кўмак жамғармаси ташаббуси билан иқтисод фани ўқитувчиларининг малакасини оширишга бағишланган семинар ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетининг маданият саройида талабалар иштирокида «Юртимиз тинчлиги — бизнинг бахтимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди ҳамда қатнашчиларга «Турон» театр студияси томонидан яратилган «Узлгининг унутма» спектакли намойиш қилинди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 100-мактабда Яқсарой туманидаги 16 та мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2001» спорт мусобақасининг туман bosқичи ниҳосини етди. Унда тумандаги 89-мактабнинг ёш спортчилари биринчи ўринни эгаллашди.

ТАДБИРЛАР

«Она Ватанимнинг байроғи»

Мирзо Улуғбек туманидаги Тўхтамурод Умаров номидаги 99-ўрта мактабда «Мустақил Ўзбекистон байроғи 10 ёшда» мавзусида ҳафталик тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларни мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари «Она Ватанимнинг байроғи» ва «Байроғимизни ким кўпроқ билди?» мавзусларидаги беллашу билан бошлаб бердилар. 8-9-синф ўқувчилари ўртасида эса «Тинчлик шомалида хиллари байроғим!» мавзусида иншолар кўрик-танлови ўтказилди.

Муҳаббат АБДУРАСУЛОВА

Дўстлик голиб бўлди

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейида Халқаро талабалар кунига бағишланган мароқли тадбир бўлиб ўтди.

Унда академик лицейининг илгор гуруҳлари — 3-«С» bosқичининг «Севинч» ва 2-«А» bosқичининг «Шаддод қизлар» жамоалари ўзаро беллашди. Улар ёшларига мос, айни кундаги ўй-хаёллари, орзу-умидларига бағишланган шартлар бўйича беллашиб, ўз билимларини, қаққон ва тартибли, зеҳинли, уddaбурро эканликларини намойиш этидилар.


Камола ҲИКМАТОВА, Азамат АКБАРОВ, ТошДШИ қошидаги хорижий тиллар академик лицейи талабалари.

ПОЙТАХТ ТЕННИСЧИЛАРИ ҚУТЛАНДИ

Маълумки, мамлакатимизда теннисни янада ривожлантириш, уни барча вилоятларда оммавийлаштириш, жойлардан янги теннис иктидорларининг етишиб чиқишини таъминлаш мақсадида шу йил апрель-октябрь ойларида илк бор Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Тўрт bosқичдан ташкил топган ва эркаклар терма жамоалари ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоги йўналишидаги мазкур мусобақаларда бутун вилоятлар жамоалари фаол иштирок этди. Дастлабки турнир давомидаёқ унинг катта маҳорат мактаби сифатида теннисимиз ривожига ўзига хос ўрин тутаётганлигини мутахассислар эътироф этишди.

Ўзбекистон Кубогининг финал беллашувлари ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Алексей Елхин сардори бўлган Денис Курматов, Денис Салимсаков, Сарвар Икромов каби ўсмирлардан ташкил топган пойтахт теннисчилари рақиблари устидан 3:1 ҳисобида галаба қозонган ҳолда нуфузли мусобақа голиблари бўлишди.

Утган шанба кунини «Динамо» теннис мажмуида Тошкент терма жамоасини Ўзбекистон Кубогидаги галабаси билан қутлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон теннис федерацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этган мазкур тадбирга мусобақа голиблари ва уларнинг ота-оналари, Ўзбекистон ва Тошкент шаҳар теннис федерацияси, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг вакиллари билан бир қаторда мамлакатимизда тенниснинг ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган фəхрийлар ҳам тақлиф этилди.



Маросимда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов, теннис фəхрийси Фуат Султонбековлар қисқа муддат ичида янги турнирнинг Ўзбекистон теннисига ўз ўрни ва мавқеига эга бўлганлиги, барча вилоятларда юқори даражада ўтганлигини таъкидлашди, барча голиблар, уларнинг мураббийларини чина кўнгилдан муборакбод этишди, келажақда йиғитларимиз орасидан ҳам ушбу мавсумни жаҳон теннис таснифига қучли йигирматалиқда яқуллаётган Ирода Тўлағанова каби қучли теннисчилар етишиб чиқишига умид билдиришди. Сўнг А. Елхин, Д. Курматов, Д. Салимсаков, С. Икромовларга Ўзбекистон Кубоги ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хаз, энг муҳими, республикада теннис бўйича янги миллий турнирга асос солинди ва у муваффақиятли тарзда бўлиб ўтди. Энди Ўзбекистон Кубоги мусобақалари аънавий тус олиб ҳар йили ўтказилади.


Хозирда турнир голиблари, шунингдек, М. Иноятов, Ф. Дўстов, Д. Истомин, О. Оммонмуродова каби ёш иктидорларимиз 3-9 декабрь кунлари АҚШнинг Майами шаҳрида 18 ёшгача теннисчилар ўртасида бўлиб ўтadиган жаҳон биринчилигига қизгин тайёргилик қиришмоқда.

Дилмурод НУРМУҲАМЕДОВ, СУРАТДА: Ўзбекистон Кубоги голиблари. Сергей Любичч олган сурат.

СПОРТ

Жаҳонда

- Швейцарияда ҳарбий жиноятларни текшириш жараёнида бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакатлари қатори Ўзбекистондан ҳам ҳарбий юристлар иштирок этидилар.
- **Кеча** Молдова Президенти В. Воронин расмий ташрифи билан Москвага келди. **Бугун** унинг Россия Президенти В. Путин ва Бош вазири М. Касьянов билан учрашуви режалаштирилган. Музокаралар чоғида Днестрбўйи моjarосини барқарорлаштириш жараёни, икки томонлама муносабатлар масалалари муҳокама қилинади. Музокаралар якуни бўйича дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш кўзда тутилмоқда.
- Кобулга Афғонистоннинг қонуний Президенти Бурхониддин Раббоний келди.
- Эрон ташқи ишлар вазирлиги манбаларидан билдиришича, Эрон Кобулда ўз элчихонасини очадиган биринчи мамлакат бўлишни кўзламоқда. Кобулда ўз элчихонасини очиб ишониятларини Хиндистон ҳам қараб чиқмоқда.
- Россия Ташқи ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазирлар вазирликлари вакиллари илгор гуруҳи шанба кунини Москвадан Душанбеге келди. **Кеча** улар вертолётларда Афғонистон ҳукуматининг махсус вакиллари билан учрашиб учун Кобулга жўнаб кетдилар.
- **Кеча** Кобулда толибонлар бундан беш йил муқаддам таққиланган маҳаллий телевидение ўз ишини қайтадан тиклади. Кўрсатувлар ҳозирча бир кунда 3,5 соатдан икки тилда — дари ва пушту тилида олиб борилмоқда.
- Европа Иттифоқи делегациясининг шанба кунини Миср Президенти Хусний Муборак ва Фаластин раҳбари Ёсир Арафат билан олиб борган музокаралари натижасиз тугади.
- **Кеча** Болгарияда ўтказилган президентлик сайловларининг иккинчи bosқичида дастлабки маълумотларга қараганда социалист Георгий Пирванов галаба қозонган. Сайловчиларнинг 52 фоиздан ортиғи унинг номзодини қўллаб-қувватлаган. Амалдаги Президент Петр Стоянов ўз мағлубиятини тан олди.
- Таянчда Покистон, Эрон ва бошқа давлатлар ҳудудида яшаётган афғон қочқинларига инсонпарварлик ёрдами жўнатди.
- Бирлашган фронт қўшинларининг патруль хизмати Кобул жанубида «Ал-Қоида» ташкилотига тегишли йирик қурол-аслаҳа ombорини топди. Омбордан қуролроғдан ташқари араб тилидаги турли адабиётлар ҳам топилган.
- **Кеча** Латвияда Мустақиллик эълон қилинган кун нишонланди.
- Канадада «Гуруҳ-20»га аъзо бўлган давлатлар молия вазирлари ҳамда марказий банк раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда террорчиликка қарши кураш, молиявий инқирозларни ўзаро ҳамкорликда бартараф этиш ҳамда интеграциялашув жараёнини янада тезлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.
- **Кеча** ўзини Республика деб эълон қилган Жанубий Осетияда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда беш номзод қатнашди. Расмий Тбилиси ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам ушбу сайловларнинг қонунийлигини тан олмаяпти.
- Шанба кунини Косовода қонун чиқариш мажлисига Югославия қўшинларининг ушбу ўлкадан 1999 йили чиқиб кетганидан сўнг дастлабки умумий сайловлар бўлиб ўтди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кузатувчилари сайловларнинг қонун бўзилшларисиз, хотиржамлик вазиятида, асосий қондаларга риоя қилинган тарзда ўтганлигини таъкидлашди. Сайловларда Иброҳим Ругова партияси кўнчилик овоз олган. Шундай қилиб, у Косово Президенти лавозимини эгаллаш имкониятига эга бўлди.
- Ҳисоб-китобларга қараганда, 11 сентябрь кунини Нью-Йорк шаҳрида содир этилган қўрқунчилик туғайли АҚШ 83 миллиард доллар миқдоридан зарар кўрган. Шунингдек, 125 миң киши доимий иш жойидан айрилган.



«Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси»

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида таниқли хинд журналисти Алок Шехарнинг «Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу китоб шу йилнинг сентябрь ойида — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида Хиндистоннинг Бихар штати поитахти Патна шаҳрида хинду тилида чоп этилди.

Мазкур китоб ўзбек халқининг мустақил ривожланиш йилларидаги катта муваффақиятларига бағишланган бўлиб, уни ёш давлатимиз ҳаётининг турли жабҳаларини ёритувчи улкан ҳажмдаги материални умумлаштиришнинг дастлабки тажрибаси ҳисобланади, десак тўри бўлади.

Бу ерда шуни айтиш керакки, китоб муаллифи Алок Шехар қарийб ўн йилдан буюн хинд газетхонларини мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий жараён билан таништириб бормоқда. Унинг юртимиз ҳақидаги кўплаб мақолалари «Ааж» газетасида мунтазам чоп этиб келинган.

Ўз моҳиятига кўра бу китоб хиндлар ўзларининг шимолдаги қўшиларига қадимдан билдириб келаятган чуқур қизиқиш ва эътиборларининг яққол далилидир. Зеро, ҳар иккала давлатни жуда кўна тарихий ва маданий ришталар жипс боғлайди. Хали ўрта асрнинг бошларидаёқ ўзбек халқининг хиндларнинг ўзига хос маданиятига бўлган том маънодаги чин қизиқишини ўзининг илмий ишларида буюк мутафаккир олимимиз Абу Райхон Беруний жуда ёрқин акс эттирганди. Буюк бобокалонимиз ўз асарларида хинд тамаддунининг кўп қиррали йўналишига мурожаат этган ҳолда Хиндистоннинг ўша пайтдаги иқтисодий ва меҳнатсевар халқига хос бўлган урф-одат ва удумлар, мамлакат тарихи, тиллари ва адабиёти, фалсафаси, фан ва табиатининг бетакрор ҳамда ўзига хос кўринишларини намоян эта олганди. Шу сабабдан халқларимиз буюк олимнинг ёрқин хотираси ва бебаҳо нодир асарларини ҳамон бирдек эъзозлаб келадилар.

Хиндистонлик ёш журналист Алок Шехарнинг асари эса гўёки ушбу қадимий, хайрли анъаналарнинг манткий давомидир. Энг муҳим томони шундаки, Шехарнинг китоби ҳажми жиҳатидан нисбатан мўъжаз бўлса-да, далилларга бой ва муфассал тўплам ҳисобланади. Уни хатто энг янги маълумотларни пухта саралаб олиш асосида тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тузилмаси, унинг иқтисодий, таркибидеги асосий маъмурий бирликлар, шунингдек ички ва ташқи сиёсатининг бош йўналишлари тўғрисидаги энг зарур маълумотлар ўрин олган маълумот-

нома сифатида ҳам тавсифлашимиз мумкин.

«Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси» китоби хиндистонлик журналистнинг мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар жараёни, халқимизнинг ҳаётини бевосита кузатишлари асосида юзага келган.

Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг фаолиятига алоҳида боб бағишланган.

Китобда мамлакатимизнинг халқаро майдонда тутаётган муҳим ўрни, бинобарин Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги ролига катта ўрин ажратилган. Ўзбек халқи терроризм бутун инсониятнинг қабих душмани эканлиги ва унга қарши кураш жажамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини яқини тушунади. Муаллиф хали 1993 йилдаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан ва 1999 йили Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул конференциясида ҳамда бошқа нуфузли халқаро анжуманларда Ўзбекистон давлатининг раҳбари жаҳон ҳамжамиятининг диққатини терроризмнинг тобора кучайиб бораётган хавфига қаратиб, БМТ қошида аксилтеррор марказини тузиш таклифини билдирганлигини эслатиб ўтади.

Бундан ташқари китобдан инглиз тилидаги қатор кизикарли материаллар ҳам ўрин олган бўлиб, хинд-ўзбек муносабатларига бағишланган «Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчисининг нигоҳи», шунингдек Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги Хиндистон ва Ўзбекистон сиёсий ҳамда иқтисодий алоқалари тарихидан ҳикоя қилувчи воқеалар ва ҳодисаларнинг махсус саҳифаси шулар жумласидандир.

Шуни айтиш керакки, китоб хинд ва инглиз тилларида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар ва келтирилган рақамларни далилловчи хариталар, схемалар ва жадваллар билан ҳам таъминланган.

Силлик қоғозда, чиройли безатилган «Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси» китоби ҳаммабон тилда ёзилган бўлиб, бу уни хинду тилидан Ўзбекистоннинг ҳам ўрта, ҳам олий мактабларида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиш борасида бебаҳо манбага айлантиради.

Ушбу китобнинг Ўзбекистон ва Хиндистон мамлакатлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ.

Озод ШОМАТОВ,
профессор.

БИЗ ВА ЖАҲОН

БҮНЁДКОР

◆ Бинонинг иккинчи босқичи

◆ Йўллар раvon бўлади

Шу кунга қадар шахримиз худудида халқаро талабларга жавоб бера оладиган бир нечта кўприклар қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқинда яна бир шундай замонавий кўприкни барпо этиш учун қурувчилар кенг кўламли фаолият бошлаб юборишди. Бу ички Халқа йўлида қурилаётган янги кўприк Усмон Носир ва Уста Ширин кўчалари чорраҳасида қад ростлайди.



У барча талабларга жавоб бериши билан бирга шаҳар автотранспорт ҳаракатига қулайлик яратади. Яна бир аҳамиятли то-

Транспорт ҳаракатига қулайлик

мони шундаки, бу чорраҳаларда транспорт ҳаракат хавфсизлиги таъминланиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Айни пайтларда бу ерда ерости қазииш ишлари олиб борилаётган. Бу юмушларни бош пудратчи ҳисобланмиш 13-кўприк қурилиш отряди ҳамда 7-трест қошидаги механизациялашган колонна бошқармасининг 50 дан ортиқ қурувчи ва иш усталари олиб боришмоқда.

— Кўприкларнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодида ўз ўрни бор. Чунки улар орқали узоқ манзиллар яқинлашиб, транспорт катнови тартибга солинади, — деди ишбоши Зокиржон Темурхўжаев. — Шунингдек кўприклар шаҳарларни бир-бири билан боғлайди. Ушбу қурилаётган кўприк 80 метр масофада бўлиб, унда транспорт воситалари икки йўналиш бўйлаб бемалол ҳаракат қилади. Бугунги кунда уни барпо этиш учун асосий ишларни режалаб, ерости қазииш юмушларини давом эттирмакдамиз. Ҳозирги пайтда ишимиз икки сменада ташкил этилган ва бизга керакли техника, механизмлар етарли.

Хали келажакда ички Халқа йўлига қурувчи Қатортол ва Фарход, шунингдек Халқлар дўстлиги кўчалари чорраҳаларида ҳам ана шундай замонавий кўприклар бунёд этиш режамизда бор. Уйлайманки, яна бир неча ойлардан кейин бу ерда ҳам Аҳмад Дониш кўчасида қад ростлагани каби кенг ва раvon кўприк барпо этилади.


Очил ҲАЗРАТОВ

СУРАТЛАРДА: 7-трестга қарашли механизациялашган бошқарма иш устаси Абдулла Маннопов, пайвандчи Пётр Пугачёв ҳамда қурувчи Тоҳир Иброҳимовлар қилиниши зарур бўлган ишларни режалаштирмакда; иш жараёнидан лавҳа.



КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ



Конституциямизнинг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайд.

Фуқаролар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мулкнинг хусусий мулк бўлиши мумкин.

Хусусий мулк киши кишининг қучидан фойдаланишга (эксплуатацияга) қаратилган манба ҳисобланган тушунчадан озод бўлди. Энди унга шахснинг нафақат моддий мустақиллиги, шунингдек маънавий эркинлигининг манбаи сифатида баҳо берилди. Дунёқарашдаги бундай түб ўзгариш Фуқаролик кодексимизнинг деярли барча қоидаларида ўз аксини топди. Хусусий мулк объекти сифатида уй-жойнинг (хонадоннинг) миқдори ва майдоннинг кенглиги, олдинги қонунларда бўлганидек, ҳажм жиҳатдан чекланмади, давлатга тегишли уй-жойни хусусийлаштириш унга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун асос қилиб кўрсатилди. Хусусий мулк ҳисобланган кўп қавратли уйларда яшовчи мулк эгаларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам батафсил аниқланди. Утмишда ўзбо-

шимчалик билан қурилган уй-жой ва бошқа бинолар бўйича қўлланадиган чора фақат фуқароларга нисбатан қаратилган бўлиб, бундай уй-жой ёки бинони бўзиб ташлаш талаб қилнард.

Энди бундай бино ким томонидан (фуқаро, ташкилот, корхона) қурилган бўлишидан қатъий назар унга суд қарорига асосан мулк ҳуқуқи сифатида берилиши мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк, асосан улар манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектлари турлари ва миқдорига биноан чегараланган бўлиши мумкин. Лекин бундай чегаралашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда конституцион тузумни, ахлоқий қоидаларни, фуқароларнинг соғлигини, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлаш мақсадида йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Кодекснинг 207-моддасида «қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгаллик қилиш», шунингдек 209-моддасида «қонун билан ман этилган ашёлар... хусусий мулк бўлиши мумкин»лиги ҳақида қоидалар назарда тутилди.

Хусусий ва давлат мулк объектларини фарқлашда қуйидаги мезонга амал қилиш керак:

— унитар корхона ёки давлат муассасасидан бошқа барча юридик шахсларга тегишли мол-мулк хусусий мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларининг мол-мулки, унда давлат мулкнинг қатнашиш даражаси қанчалик бўлишидан қатъий назар, хусусий

ҳисобланади. Бундай ҳолларда давлат ширкат ёки жамиятнинг акциясига (қўшган ҳиссасига) нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз мол-мулкдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан иборат. Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил қилмасдан туриб шугулланиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради.

Хусусий мулк билан боғлиқ муносабатлар бошқача усулда тартибга солиниши ҳам мумкин. Масалан, ўз мол-мулкнинг бир қисmini улуш ёки пай сифатида ҳўжалик ширкатига, жамиятга ёки ишлаб чиқариш кооперативига топширган фуқаро ёки юридик шахс ушбу қисмга нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотди ва тижоратчи бўлган ташкилот (жамият, ширкат, кооператив) мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ёки юридик шахс ўзларига тегишли мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар)нинг мол-мулкига ўтказишлари мумкин. Бундай ҳисса ўтказилган пайдан бошлаб, у тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг мулк ҳисобланади. Бундай ташкилот ўзининг асосий фаолиятини амалга ошириш мақсадида мулкдан тадбиркорлик билан шугулланиш учун фойдаланиши мумкин. Шу билан у тижоратчи ташкилотдан фарқ қилади. Шундай экан, бундай жамоат бирлашмаларининг муассислари (иштирокчилари, аъзолари) фақат бирлашманинг фаолияти даврида эмас, балки у тугатилгандан кейин ҳам ундан қолган мол-мулкка нисбатан эгаллик қила олмайдилар. Бундай ташкилотларнинг мол-мулкни кредиторлар олдидаги қарзларидан қутилганидан кейин уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

Абдувоҳид ВАХОБОВ,
юридик фанлари номзоди, доцент.

2000 йили Тошкент

Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейининг биринчи босқичи қуриб фойдаланишга топширилган эди. Айни чоғларда эса мазкур даргоҳнинг иккинчи босқичи бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Лицейнинг бу қисми 4,5 минг квадрат метрни ўз ичига олган бўлиб, унда катта очик футбол майдончаси, қишки спорт зали, ошхона, компьютер ва ўқувчиларнинг тахсил олишлари учун замонавий синф хоналари ўрин олади. У 4 қаватли бўлиб, деворлари гиштли, устун ва зиналари эса монолитли темир-бетондан иборатдир.

Шу кунларда бу ерда бош пудратчи бўлмиш 12-трестга қарашли 65-қурилиш бошқармасининг ҳамда 20, 82-қурилиш ва 2-механизациялашган бошқармаларининг 70 га яқин бунёдкорлари 3 сменада иш олиб бормоқдалар.

— Асосий меъморий қурилиш ишларининг тўқсон фоизи ниҳоясига етди, — деди биз билан суҳбатда 65-қурилиш бошқармасининг бош муҳандиси Мирвоҳид Мирходиев. — Ҳозирда учинчи қаватга пардозлаш ишларимиз якунланиб, электр монтаж ва ер ости

Қурувчилар ғайрати ўзгача

коммуникациясини ўтказиш ишларига тайёргарлик кўрилмоқда. Қурилиш учун керак бўлган шағал, қум, арматура ва шу каби материалларни вақтида олиб турибмиз. Шунингдек ишчиларга ҳам қулайликлар яратилган. Уларнинг барчасига махсус коржомалар бериб борилади. Масалан, пайвандчи ва электр монтажчиларга алоҳида ток ўтказмайдиган махсус иш кийимлари берилди.

Бу ўқув даргоҳининг лойиҳаси қулай ва пухта ишлаб чиқилган. Чунки у ҳамма талабларга жавоб бериши керак. Зеро, бу масканларда бизнинг фарзандларимиз, келажакимиз ворислари тахсил оладилар. Буни барчамиз юралимиздан чуқур хис қилган ҳолда меҳнат қилишимиз лозим. Ҳозиргача ана шу каби даргоҳлардан бир нечтасининг қурилишида иштирок этдик. Бундан мен фақат фахрланаман. Яна йиллар ўтар, кексайиб қолган чоғларимизда ҳам бу туйғу қалбимизда улугворлик ҳиссини уйғотади.

— Лицейнинг биринчи қурилган қисмида аслида 300 нафар ўқувчиларни ўқитиш мўлжалланган бўлса-да, лекин биз айни

чоғда 600 нафар болани икки сменада ўқитмоқдамиз, — деди лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Хури Абдувоҳидова. — Кимё, биология, физика фанларида кўرғазма қуроллардан фойдаланишнинг тўла илҳож бўлмапти. Чунки бу кўрғазма қуролларни бошқа хоналарга ўрнатдиган бўлсак ва яна кўчирилса асл қиёфасига шикаст етиши ёки махсус ўрнатилган жой бўлмаса синиши ҳам мумкин. Жисмоний

тарбия дарсларини ҳам синф хонада ёки университетнинг спорт майдончасида олиб боришга тўғри келмоқда. Лицейнинг иккинчи босқичи қурилганидан сўнг, албатта, ўз навбатида бу муаммолар ҳал бўлади.

Одил ҲАСАНОВ
СУРАТДА: тажрибали пайвандчилардан Николай Юдин ва Артур Багдасаровлар ўзларига юклатилган топшириқни бажаришмоқда.
Сергей Любич олган суратлар.



Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти ишондор, «Буёқ хизматлари учун» ордени совриндори Раҳим Аҳмедов 80 ёшга тўлди.

Таниқли мўйқалам устаси, айниқса портрет жанрида инсоннинг англаб бўлмас, тасвирлаш қийин бўлган ички руҳий олами ўта моҳирлик билан ифода қилинган чўққисига кўтарила олган, қалби тубидаги туйғулари ёрқин ифода этиб бера олиш борасида юксак чўққига кўтарила олган ижодкордир.

Портретга олинувчилар характери, уларнинг ҳаётда тутган ўрни, касби ва унинг маънавий олами ифодалаб бериш учун қаҳрамонлар рассомга қулай шароитда мўйқаламга олинади. Персонажнинг турмушда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини юзага чиқаришда ҳам бир асар қаҳрамонининг урчиғи ва маънавий дунёсига қараб турлича характерда ташқи ҳамда ички кайфиятларда ифода этади. «Лайло Салимовна портрети»да рассом Лайлонинг руҳий табиатидан келиб чиқиб уни бошиқ кўринишда, қоматида хос руҳий ҳолатда тасвирлайди.

«Бахтиёр Бобоев портрети»да эса гавда ўзаро нозик мутаносибликда, ранглар нисбатидан ифодланади. Бахтиёрнинг характери кескин ракурсни жиддий ҳаракатда ўзига ноқулайроқ вазиятда ўтириши унинг қарама-қарши ҳиссиётлар ва қўйилиб келаётган руҳий фикрлар оламида курашаётганлигини сездириб туради. Ана шу ҳолат унинг образини очиб берган.

Хар бир рассом чин маънодаги профессионал рассом даражасига кўтарилиши учун истеъдоднинг қирралари кучли, ақли ҳамда билимдон бўлиши керак. Сезгирлик кучи билан юзага келадиган, ҳиссиёт олами, фикрлаш қўламининг кенглиги ўлароқ тобланидиган истеъдод қирралари ақл тарозисига солиб турилиши шарт. Бу ўринда гап ижодкор шахси, унинг руҳий ва маънавий олами, ижодий ўқиниш кенглиги борасида кетяпти. Ижодкорнинг фикрлаш доираси қўламининг кенглиги ўзини-ўзи тереңроқ англаб олиш имкониятини яратяпти.

Бизнингча, Раҳим Аҳмедов шахсиятида икки хусусият ёнма-ён туради. Биринчиси бойитиб бадий баркамол асарлар яратишда рассомга имконият туғдиради. Чунки бадий ижодиётида фақат ақлга суяниб, маҳорат, воқелиқнинг, борлиқнинг мураккаб қирраларининг илғаб бўлмас хусусиятларини сезиш ҳиссиёт воситасида пайқаб олиш ва уни ақл-идрок ёрдамида ифодалаш ҳақиқий санъат асарини

яратишда муҳим омилдир.

Раҳим ака ўзини ўзи яхши ўрганган, ижоднинг кучли ва кучсиз томонларини тушуниб етган, нуқсонини навбатдаги асарларида йўқотиш учун тинимсиз изланадиган ҳақиқий ижодкордир. У асаридан йўл қўйган кўрсаткич одамлар билан бўладиган мулоқотлари орқали барҳам беришга, ҳаётга яна ҳам чўққурак кириб боришга интилади, маҳоратини тобладиган сира эринмайди, этюд ва чизгилар чизишни қанда қилмайди. Сабаби қўсқа вақт орасида бажариладиган чизгиларда худди шу сезгирлиги билан илғаб олинган шахснинг нозик томонлари, кишининг хотирасини мустаҳкамловчи, ҳаётда доимо ўзгариб, турлиниб турувчи форма ва шакллари, унинг турлича кўринишдаги ҳолатларини пайқаб олиш имконияти юзага келади. Шу имконият, шу хусусиятларнинг доимо чарқлаш, мукаммаллаштириш уни рўёбга чиқаришга шубҳасиз ёрдам беради.

Хар бир рассом умуман ижодкорнинг руҳий кечинмаларини: эстетик диди ва тушунчасининг

ноққоли ва бошқа зарур компонентлар сезилиб туради. Бундай хусусият ва профессионал маҳорат Раҳим ака шахсиятида, тинимсиз изланишларида тўла маънода талқинини топиб келмоқда. Композицияга ҳаётийлик бағишловчи хар бир деталдан тортиб, рангларнинг монандлиги ва тафтини аниқлаш, тузилган ҳиссиётни юксак дид билан амалга ошириш хар бир асариде имкони борича муваффақиятли талқин этилган.

Санъаткор ижодий изланишларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у қатта ҳаёт мактабини ўтаганидан бўлса керак, ҳаёт лавҳаларини ишонарли, жозибали тадқиқ этиш борасида суратқашлиги маҳоратининг имкониятларидан ўринли фойдаланади. Одатий кундалик машқи билан ижоднинг шу қирраларини такомиллаштиришга интилади, рангларнинг жарангдорлик кучи ва имкониятидан («Қўшқ») меъёрида, баъзан унинг тўйинганлик кучидан («Она ўйлари»), айрим ҳолларда суюқ (оч) ранглар тафтидан («Бахтиёр Бобоев портрети»)

САНЪАТИМИЗ ДАРФАЛАРИ

Туйғулари тиник ижодкор



объектга қай даражада ёндошиши, ҳаётдаги мураккаб ҳамда ҳудудсиз гўзалликлардан ўз диди ва фаросати билан энг характерли ва табиий, айни чоқда тиник воқеа ва кўринишларини пайқаб, уни ҳолат юзасига жойлаштиришидан, биринчи ва иккинчи даражадаги предметларни саралаб, ўз мақсадига бўйсунадиганларини танлаб уни бадий жиҳатдан юксак даражада ифода эта олишдан илғаб оламиз. Бу ижодий хусусиятларни юзага чиқаришда тасвирий-иқодавий воситалар кучидан жой-жайида фойдалана олиш, хар бир ранг қорилиш масида мақсадни очиб беришга тўлиқни топта билиш керак. Картинани композицион ҳал қилинишида ижодкорнинг эстетик тафаккури, фикрлаш олами, гўзаллик яратишга бўлган ча-

ўринли фойдаланади. Хуллас, хар бир композицион ечим ва хар бир ўринда тасвирий-иқодавий воситалар кучининг имкониятларидан меъёрида, интуитив ҳиссиёт ёрдамида энг яқин равишда қўлашга интилади. Тасвирланаётган жойнинг моҳияти ва мазмунидан келиб чиққан тарзда унинг кучи ва имкониятини жиддий ҳис қилади, ниятини бутунча рўёбга чиқарувчи воситалар танлайди. Реалистик санъатнинг мўъжизакор кучи унга доимо қўл келади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Тасвирий санъат бўлимининг мудири.

МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИДА

Мароқли ўтди

Шахримизнинг Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино номли маданият марказида санъаткор ва кекса мураббий, хормейстер, дирижёр Мирсодиқ Умаровнинг таваллуд тоғанига 75 йил ва ижодий фаолиятига 55 йил тўлганиги муносабати билан ажойиб кеча бўлиб ўтди.

Мирсодиқ Умаров М. Қорйекубов номли Узбекистон Давлат филармонияси қошидаги халқ ракс дастасида (собиқ «Шодлик») узоқ йиллар давомида бош хормейстер ва дирижёр бўлиб ишлаган ва мураббийликни ўзига касб қилган хассос санъаткордир.

Кечага тантана соҳибининг ҳамкасблари, сафдошлари ва шогирдлари йиғилди.

Кечада сўзга чиққан Ибн Сино номли маданият марказининг раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов санъаткорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида гапирди. Шундан сўнг меҳмонлар — санъаткорнинг ҳамкасблари, шаҳар ва туман идоралари ходимлари, шогирдлари, ёр-биродарлари Мирсодиқ Умаровни фахрий ёрликлар, гулдалар билан кутладилар.

Кеча давомида Ибн Сино маданият марказининг хушовоз хонандаси, Республика кўрик-танловининг совриндори Содикжон Раҳимов йиғилганларни дилрабо кўшиқлари билан мамнун қилди. Шу марказ қошидаги «Умид» болалар дастасининг қизлари ўзларининг жозибали рақслари билан кечага файз бағишладилар.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Шарқ дурдоналари



Боболар даҳоси таҳсинга лойиқ

Аравоннинг Чекобод деган қишлоғида Усмон мағзини деган танишимиз бор эди. Қишлоқ марказидаги катта озиқ-овқат магазинини бошқарарди. У қишлоғимнинг хизматида кўп бўларди. Катта акам Абдулхай Маҳсум, Фатхулла Маҳсум билан бирга у билан мен ҳам тез-тез учрашиб турардим.

Усмон мағзини бир кун менга қизиқ воқеани айтиб берди.

— Кунлардан бир кун, — деди у, — ўзимда ҳорғинлик ҳис қила бошладим. Юрагим безовталана бошлади. Оёқ-қўлимдан дармон кетди. Юрагим гўёки сув ичида сузиб юраётганга ўхшарди. Вврача учрашдим. Текшириди, кардиограмма қилди. «Ҳеч иллат йўқ, соғ», деди. Мен эса кундан-кунга озиб-тўзиб борардим. Юрагим эса сув ичида сузишни қўймасди.

Одамнинг соғлиғи юракка боғлиқ, Кўёш Ойлиги юракка боғлиқ, Юрак носог бўлса носогдир бадан, Сихҳатнинг бойлиги юракка боғлиқ. Текширишлар ва касалхонада даволанишлар кор қилмагач, мени Тошкентга юборишди. Тошкентда ҳам ҳеч нарса маълум бўлмади. Охири Москвага юборишди. Касалхонага ётқизиб, кўп текширишди. Мен эса кундан кунга холдан тойиб борардим.

Дардим бор-у табиб дардимни билмас, Сабру саботимни, қадримни билмас. Иллатдан туну кун нола чекарман, Ҳеч кимса бу охи сардимни* билмас. Охири касалхона шифокорлари йиғилиб, консилиум қилишмоқчи бўлишди. Қаердандир энг катта шифокор врач келиши керак экан. Келди. Ўзаро маслаҳат қилишди. Катта шифокор касаллик тарихим билан танишиб чиқди. Сўнг: — Беморни тезда жўнатиб юборинглар, у тез орада ўлади, — деди.

Мен тақдирга тан бердим... **Тақдирга тан бериб яшаса одам, Уни бука олмас на қайғу, на гам. Сабр қилмай хар ким чекса кўп фарёд, Уни ййқажадир фироқу алам.** Замбилга солиб, самолётга ўтқизиб юборишди. Ўғлим ёнимда эди. Ўшгача келдик. У ердан таксига ўтириб, уйга етиб келдик. Қариндошлар йиғилиб, атрофларни ййғиштириб, тартибга келтириб қўйишди. Мен эса ўлимни кута бошладим.

Ўлимга чин дилдан тан берса киши, Осон кечар унинг бу оғир иши. Талвасага тушиб, беқарор бўлса, Икки бора ошар унинг ташвиши.

Уйдагилар полга кўрпа тўшаб, девор ёнига жой қилиб беришган эди. Кўнглимга бир фикр келиб қолди. Юрагимни ўраб олган сув тик турсам ҳам пастга кетмайтти. Оёғимни осмонга қилиб, белимни паст қилсам, эҳтимол оғзим томонга келиб, чиқиб кетар. Шу ҳаёлда қийинчилик билан оёғимни деворга тираб, тобора тепага кўтара бошладим. Охири оёғим тўлиқ кўтарилди. Елкамни ерга тирадим. Шу пайт юрагим атрофидан сув овоз чиқариб оғзим томонига оққандек бўлди. Ҳатто овозини ҳам эшитгандек бўлдим. Секин-аста жойимга ётдим. Ўзимни негадир енгил ҳис қила бошладим. Кўп ўтмай, овқат егим кела бошлади. Қисқаси, бир неча ҳафтадан сўнг, оёққа туриб кетдим. Бу воқеага ҳам ййғирма йил бўлди. Мана, кўриб турибсизки, отдек юрибман.

Дунёда иллатнинг адади кўпдир, Даво қабул қилмас ҳам бади*** кўпдир. Худодан ноумид бўлмасанг агар, Ўзи меҳрибондир, мадади кўпдир.** Мен Усмон мағзинининг бу ҳикоясидан кейин кўпгина шифокорлар билан гаплашдим. Улар елка қисимиб: — Руҳий касалга учраган бўлса керак, ўз-ўзига таъсир натижаси, — деб қўя қолишар эди.

Юракнинг сувда сузиб юриши ҳақида Ибн Синода ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. Бобурнинг хос табиби Юсуфийнинг тиббий асарлари устида илмий тадқиқот иши олиб бораётиб, унинг ўзидан кейинги табиблар ижодида таъсирини ўргана бошладим. Навбат Бобурнинг набираси Муҳаммад Акбаршоҳнинг табиби Муҳаммад Акбар Арзонийнинг асарларига келди. Унинг форс тилида ёзилган «Мезон ут-тибб» («Табобат тарозуси») асарини ва рақлаб бошладим. Унинг фаслга келдим-у бечора Усмон мағзинининг руҳий касал эмас, балки чинакам дард тортганининг гувоҳи бўлдим. Бу фасл «Дар ишти-во ур-рутубат ала-л-қалб» («Юракнинг сув билан ўралиши») деб аталар эди.

Арзоний ёзади: «Бу шундай (иллат)ки, юрак сувга тушиб кетгандек ва унда ҳаракат қилаётгандек туюлади. Қадимий табиблар бу иллатни хафакон турларидан деб ҳисоблаганлар. Бу иллатни сабаби — юракни ўраб турган парда остида сувнинг ййғилиб қолишидир»*** Шундан сўнг уни даволаш усуллари берилган эди.

Орадан бир неча йил ўтгач, бир кун Усмон мағзини билан учрашиб қолдим ва унинг касали «Мезон ут-тибб»да ёзилгани ҳақида гапириб бердим.

— Эсизнга, — деди у афсусланиб, — шу китоблар олимларимиз томонидан тезроқ ўрганилганда эди, беморлар шунчалик азоб тортмаган бўлар эдилар. Иккинчи томондан, ота-боболаримизга тан бераманки, хозирги фанга номаълум касалликларни ҳам улар аллақачон ўрганиб, даволаган эканлар.

Боболар даҳоси таҳсинга лойиқ, Бебаҳо мероси таҳсинга лойиқ. Табобат бобида ҳазоқати-ю,** Ажойиб давоси таҳсинга лойиқ.** Маҳмуд ХАСАНИЙ

* Охи сард — совуқ ох.
* Адад — сон.
** Бад — ёмон.
*** Ҳазоқат — моҳирлик.

Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Гоҳо шундай воқеаларни эшитганда ўйланиб қолсан киши.

Яқинда маҳалламиздаги мурасалари келишолмай қолган бир оилага маҳалла вакиллари билан мени ҳам таклиф қилиб қолишди. Бу оиладаги машааларни эшитиб, дилим хун, кўнглим хира тортиб чиқдим.

Тақдир тақозосига Эргашвой бу хонадонга онаси кетидан Эргашвой ўғил бўлиб кириб, онасига ёстиқдош бўлган кимса унга оталик қилибди. Вақти келиб Эргашвойни ўйлантириб неварали бўлгани чоқ қаранг-

чор ҳолга тушган ота-она «Бу вақтинчалик, вақт ўтгач неварамиз онаси бағрида бўлади», — деган ҳаёлга боришибди.

Аёл тақдирга тан бериб, хўжайиним инсофга келиб қолар, деган ўй билан дардини сиртига чиқармай юрибди. Ўғил бўлса бу хонадонга меҳр кўзи билан қараб, унда-бунда дам олиш кунлари келиб онаси билан дийдорлашиб, «Адам йўқилар, қачон келадилар» дея интизорлик билан онасини сўроққа тутса, ота бўлиш кўз кўзга тушган чоқ рўйхушлик бермас экан.

Кунлардан бирида ўғил бетобланиб шифохонада даволанаётган пайти онаси

БУ — ҚИЗИҚ

Улуғ одамлар ҳаётидан

Тарихга разм солсак, кўп яшаган, кўпни кўрган одамларнинг орасида зехиндан, ишлаш қобилияти сусаймаган, куч-қувватга эга бўлган одамларни кўплаб учратамиз.

◆ Масалан, атоқли олим И.П.Павлов 80 ёшида ўзининг машхур «Олий нерв системаси» деган асарини ёзган. Улуғ ёзувчи Л.Н.Толстой 70 ёшида «Тирилик» асарини тутатган. 72 ёшида «Тирик ўлик» номли драмасини ёзди, 76 ёшида «Хомимурод» асарини ёзган.

◆ Немис шоири Вольфганг Гёте 83 йил яшаган. Ҳаётининг сўнгги йилларида «Фауст»нинг иккинчи қисмини ёзиб тугаллаган.

◆ Италия композитори Жюзеппе Верди 75 ёшида «Отелло» операсини, 80 ёшида ўзининг сўнгги «Фальстаф» операсини ёзиб тамомлаган.

◆ Рассомлар И.Е.Репин, И.К.Айвазовский 80 дан ошганларида ҳам, ҳатто ўладидан кунларида ҳам мўйқаламлари кўлларида тушмаган экан.

Биласизми?

◆ 70 ёшли одам ҳаётининг 23 йилини тўшақда, 13 йилини сўзлашга, 6 йилини овқатлашишга, бир ярим йилини ювишига кетказар экан.

◆ Ута машхур кишилар: Ньютон, Дарвин, Вольтер, Виктор Гюголар чала тутилган экан.

◆ Одам танасининг ҳеч бир аъзоси юракдек ишламас экан. Юрак бир дақиқада 70, бир кеча-кундузда 100 мингдан ошқ, йилга 36,5 миллион, 60 йилда 2200 миллион марта ураб экан. Юрак 1 дақиқада 4 литрдан кўп, бир кеча кундузда 60 тонна, йилга 2200 тонна, 60 йилда эса 130000 тонна қон ўтказар экан. Агар шунча қонни идишларга жойлаштирадиган бўлсак 50 тонналик цистернадан 2600 таси керак бўлар эди.

Кодир ТУРОВОВ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Муз юраклар бўлмасин

ки, Эргашвой тошбағир инсон бўлиб етишиб, ўгай отани одам ўрнида кўрмай қўйибди. Ҳатто ҳақорат қилишгача борибди. Маҳалладошлар бу ййғитга жон куйдириб насиҳат қилдилар. Уруш даврида етим-есирлар ўзга юртда, бутунлай ўзга бир миллатга мансуб беғоналарни отам, онам деб билиб, ўша меҳри дарё инсонларнинг ёрқин хотирасини хозир қалблари тўрида ардоқлаб юришларини хаёлимдан ўтказдим. Маҳалладошимиз — муз юракли ййғитга қарата бир оғиз сўз айтишга тилим бормади. Балки аллоамларимиздан бирининг муз юракни эритиб бўлмас деган сўзлари ёдимга тушиб шундай ҳол юз берган бўлса ажаб эмас. Лекин шу ўринда бир воқеа худди кино лентасидек кўз олдимдан ўтди ва ўзимга ўзим бир кам дунё, бу, ҳа, ҳақиқатан бир кам дунё дедим.

Бу воқеа ҳам тақдир тақозоси ила содир бўлган бўлсада, ҳозирги бу воқеанинг бутунлай тескарис эди. Бир юртдошимиз айтганимдек, шу бир кам дунёда умр йўлдоши билан ўртаҳол ҳаёт кечирибди бош фарзандга ота бўлибди. Бояқш она Оллоҳнинг иродаси билан тўрт жигаргўшасини эгасига топшириб, фарзандлари доғида қовуриб, ўзи ҳам бу дунёдан кўз юмди. Ота кексайиб, қадди бўкилиб, ўн ёшли кенжа қизи билан ёлғиз қолибди.

Кўни-қўшни, қариндош-уруғ бу хонадонга тез-тез келиб хабар олиб, уларнинг дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилишар экан.

Йиллар ўтиб бир бева аёл бир ўғилчаси билан бу хонадонга фаёз ола келиб, тотув яшай бошлашибди. Вақт ўтиши билан юртдошим нима ҳаёлга борган билмайман, ёстиқдошининг ўн икки ёшли ўғилчасини хонадонига келтирмай қўйибди. Ўғил онасидан ажраб бобоси қўлида қолибди. Но-

кўргани борганида «Онажон, адамлар келмадиларми?», дебди болақай.

Бу сўзларни эшитиб кўзларимда ёш қалқиди. Бу мурғак қалб онасидан ажраб қолаётганини хаёлига келтирмасди.

Менимча юртдошим қаттиқ янглишаётган эди. Ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса, ўғил бўлмиш ўн икки ёшда бўлишига қарамай шу хонадонга меҳр қўйиб сени дада десаю бағринга босиб, пешонасини силаш ўрнига мурғак кўнгилга озор бериб, уни волидасидан айриб ўлтирсанг-а! Қўлингга гулдек хунаринг бор, қариндош-уруғ, кўни-қўшни, ошна-оғайнинг олдида хурматинг бор, ўғилни ёнингга олиб, хунарингдан баҳраманд қилмайсанми? Сен ахир бундан буён ёш бўлмайсан-ку, тагин вақт ўтиб армон қилиб юрма. У бола сенга қўшқанот бўлиши муқаррарлиги тўғрисида ўйламайсани, дегим келди.

Азизлар, юртдош деганим аслида менинг касбдошим. Дилимдаги гапларни кейинчалик унга айтдим. У чуқур ўйга толди, дилида қандай ўй-хаёл бору менинг айтганларимдан қандай хулоса чиқарди, ўшанда биллолмадим. Шуниси аён эдикки, у анови ййғитга ўхшаш муз юракли одам эмас эди. Шунинг учун унинг исмини ошқор айтишни эп кўрмадим. Орадан бир оз вақт ўтиб ҳамкасбимни устахонада ўғилчаси билан кўриб бошим осмонга етди.

Эндилқда ота-боланинг хар гал биргалиқда ишлашаётганини кўриб бир суюнсам, ўғлининг қилаётган ишларини кузатарканман, яна бир хунарманч уста камолга етаётганидан яна қувонаман.

Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз, лекин бандаси ҳеч вақт муз юракли бўлмасин, муз юракни эритиб бўлмас экан...

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ

ҚАТРА ХАНДАЛАР

— Кўп-қуруқ савлат тўкиб келавердингми?
— Йўқ, ўйлиманми, кўкидан олиб келдим.
— Бу ишинг яхши, кўпми, қанча?
— Ўн кило помидорнинг кўкидан олиб келдим, тузлаб қўясиз!
— А?!

— Намунча бугун эрталабдан хомушсиз?
— Бу талабаларга ўргатавериб бошимда соч ҳам қолмади.
— Нима гап ўзи, тинчликми?
— Нимасини айтасиз, бир талабага қуруғдан олиб келгин десам, туршак олиб келибди, зангар, содда-де, содда. Шунга хунобим олиб турибди.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Мақсад — Чемпионлик

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг 11 тури бўйича «Умид нихоллари-2001» мусобақалари шахримиз туманларида ўтказиб келинган.

Ушбу мусобақаларнинг бекум кўст ўтишини таъминлаш ишига Ҳамза туманида катта эътибор қаратилганлиги эса қувонарли ҳолдир.

— Туманимиздаги мавжуд 30 та мактабда 35 минг 834 нафар ўқувчи таълим олади, — дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими услубчиси Омон Мамасолиев. — Шундан 14 минг 666 нафари 1-4-синф, 11 минг 099 нафари 5-7-синф ўқувчилари бўлса, 8-11-синфларда 9812 нафар ўқувчи таълим олади. Шуниси эътиборлики, «Умид нихоллари» мусобақаларида барча мактаблар фаол иштирок этди. 1-4-синфлар ўқувчилари ўртасида спортнинг 30 метрга югуриш, енгил атлетика, тўп иритиши, шахмат-шашка, миллий ҳаракатли ўйинлар бўйича мусобақалар уюштирилди. Ушбу ўйинларни ўтказиш учун махсус ишчи гуруҳи томонидан ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам тақлиф этилди. Туман босқичи голублиги эса 307-мактаб ўқувчиларига nasib этди. Иккинчи ўринга 61-мактаб ўқувчилари сазовор бўлишган бўлса, 557-боғча-мажмуа тарбияланувчилари учинчи ўрин билан кифояланди. Голуб жамоаларга эсдалик совғалари ва faxрий ёрлиқларнинг тақдим этилганлиги ушбу мусобақалар иштирокчиларини кейинги зафарларга ундаши таъминлади, албатта.

Дарвоқе, ушбу мусобақаларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилиши мўлжалланган туман босқичида ёш спортчилар енгил атлетика, баскетбол, футбол, кўл тўпи, волейбол, шахмат, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, теннис ва сузиш борасида ўз омадларини синаб кўришди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу мусобақаларнинг яхши ўтишига 91 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Айни кунларда туманимизда 34 спорт зали, 63 та спорт майдончалари, соғломлаштириш бўйича сузиш ҳавзаси, 18 та баскетбол, 14 та кўл тўпи, 15 та футбол майдончалари, 3 та енгил атлетика майдончаси ўқувчилар ихтиёрида бўлаётгани ютуқларимизга омил бўляпти. Шу боисдан ўтган йилги кўл тўпи бўйича туманимиз ўғил ва қизлар жамоалари Республика мусобақаларида олтин медални кўлга киритишганда. Бу йилги мусобақаларда ҳам асосий мақсадини Республика чемпиони бўлишди.

Анвар ЙҮЛЧИЕВ суҳбатлашди.

СПОРТ

Ёш муайтайчилар беллашди

Шахримиздаги юридик коллежда ўқувчиларнинг куниги таътил кунларида уч кун давомида муайтай бўйича ўқувчилар ўртасида пойтахт очик биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон муайтай федерацияси, Акмал Икромов туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ёшлар терроризм, жиноятчилик ва гивандликка қарши» шiori остида ўтказилган очик биринчилик бахсларида пойтахтлик ёш муайтайчилар билан бир қаторда Тошкент вилоятилик спортчилар ҳам галаба учун кураш олиб боришди. Жами, пойтахтнинг 12 клуби, Паркент ва Қибрай туманларидан ташриф буюрган 1987-88, 1989-90-йилларда тузилган икки юзга яқин муайтайчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда 25 та вазн тоифасида ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

— Республикаимизда муайтай федерацияси 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, учинчи йиллари барча мусобақалари «Жисмоний бакуват ва маънавий жиҳатдан барқарор авлод учун» шiori остида ўтказиб келамиз, — дейди жамон муайтай федерациясининг вице-президенти, Ўзбекистон муайтай терма жамоасининг му рабб бийиси Замир ака Қосимбеков. — Ёшларимизни яқкауврашини ушбу жозибали ва мардона турига жалб этишимиздан умид қиламиз ҳам биринчидан уларни ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат руҳида тарбиялаш, иккинчидан соғлом ва барқарор инсон-

Дилмурод ИСМОИЛОВ

«Нексия» автомобили биринчи

Яқинда Тошкент автомобиль федерацияси ташаббуси билан автомобиллар пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 4-босқичи бўлиб ўтди. Унда Формула 1600 ҳамда А-7 йўналиш бўйича 1400, А-8 йўналиш бўйича 1600, А-9 йўналиш бўйича 2000 кубсантиметрли мотор сизимига эга бўлган ёш автомобиллар катнашди. Шунингдек, чемпионатда «Вантанпарвар», «Виктор», «Олимп-Нурон» ва «Юнайтед мотор» команда аъзолари ҳам фаол иштирок этишди.

Бахслар жуда қизиқarli ва мурасосиз равишда бўлиб, аввало Формула-3 бўйича 5 нафар пойгачи старт олди. Бу йўналишда 50 балл тўплаган Сергей Муқурдумов фахрий биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Асатулло Мадиров ҳамда учинчи ўрин Александр Семеновларга nasib этди. Кейинги босқич 52,5 километр масофани ташкил этди, унда мотори 1400 кубсантиметр сизимга эга бўлган автомобиллардан Даулет Оразлиев ўзининг «Нексия» автомобили билан биринчи ўрин соҳибига айланди. Мотор сизими 1600 кубсантиметр бўлган автомобилларда эса асосий ўрин Георгий Бочкаревга, мотор сизими 2000 кубсантиметр бўлган автомобилларда Шерзод Жумаевларга кўлиб берди.

Чемпионат голубларига Тошкент автомобиль федерацияси ҳамда бошқа ҳоимий ташкилотлар томонидан қўматбаҳо совринлар, медал ва faxрий ёрлиқлар топширилди.

Озод ХУСАНОВ



Кишиларни ва улар яшайдиган атроф-муҳитни табиий офатлар, авариялар, фалокат ва бошқа ижтимоий омиллар туфайли вужудга келадиган фавқулодда вазиятлар оқибатидан муҳофаза этиш кейинги йилларда республикамизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши пойтахт Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Маҳаллада рўй бериши мумкин бўлган фавқулоддаги вазиятларда аҳолининг ҳаракат қилиши» дастури бўйича ўқитиш ва амалда ўргатиш асослари режасини ҳаётга татбиқ этмоқда. Аҳолини ва халқ ҳўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш, уларнинг оқибатларини бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг бу борадаги қарорларини амалга ошириш юзасидан Собир Раҳимов туман ҳокимининг «Фавқулоддаги вазиятларда вазиятлар бўлишига таъминлаш» ўзи бошқариш органларини рўй бериши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулоддаги вазиятларга тайёрлаш ишларини ташкил қилиш тўғрисида» қарори чиқди. Унга кўра шахримиз миқёсида илк бор Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев маҳалласида фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳаракат қилишга тайёрлаш юзасидан ишчи гуруҳлари тўзилиб, фаолият режалари ишлаб чиқилди. Ушбу режа бўйича Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ва пойтахт Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан дам олиш кунларида маҳаллада аҳолига фавқулодда вазиятларда ўзини тута билиш, ўзгаларга ёрдам бериш, техноген вазиятларда қандай ишлар қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмалари сингдирилди. Шунингдек, шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг кўтқарув хизмати ходимлари томонидан уч кунлик ўқув семинари ўтказилиб, аҳолига тушуналар берилди.

Куни кеча Абдулла Набиев ма-



ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА аҳоли қандай ҳаракат қилиши керак?



халласида тумандаги барча 56 та маҳаллалар оқсоқоллари, туманлар Қизил Ярим Ой ташкилотларининг раҳбарлари, маҳалла аҳли иштирокида зилзила ва техноген характердаги фавқулодда ҳодиса пайтида тўғри ҳаракат қилиб, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича махсус ўқув-тактик машқларни ўтказилди. Унда маҳалладан 300 га яқин киши бевосита қатнашди. Улар 8 та ишчи гуруҳларига бўлинган ҳолда ўз вазифаларини бажарди.

«Режага кўра маҳалла ҳудудида зилзила турткиси сезилиб, кучли силтос 2-3 марта давом этди. Маҳалла Фавқулодда вазиятлар ва фўқролар муҳофазаси штаби бошлиғи оқсоқол Тўхтасин Отажонов барча ишчи гуруҳи раҳбарлари, маҳалла ҳудудидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарларини тезда йиғиб, керакли топшириқлар берди. Маҳалла аҳолисини рўй берган фавқулодда вазиятдан хабардор қилиш мақсадида сирена берилиб, ахборот алоқа гуруҳи туман штаби ва барча фўқролар муҳофазаси хизматларига ушбу ҳодиса тўғрисида хабар берди. Зилзиланинг энг «огир» оқибатлари Қўнқирқў ва унга ёндошган Тинчлик кўчасида кузатилди. 4 та жойда ёнғин чиқиб, «жароҳатланганлар» бўлди. Эвакуация пункти маҳалла қўмитаси ҳовлисида ташкил этилиб, ишчи гуруҳлари ёрдамида вазиятга қараб кўтқариш, қидириш, ярадор бўлганлар ва электр токидан зарарланганларга биринчи

тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш ишлари амалга оширилди. Биринчи бўлиб маҳалла ҳудудидаги 194-болалар боғчаси ва 185-мактаб ўқувчилари эвакуация қилинди.

Сўнг янги хавф тўғрисида яна бир ташвишли сигнал янгради. Маҳалла ҳудудида жойлашган Ириғачи бўйича махсус конструкторлик бюросидан тўсатдан «портлаш» товуши эшитилди. Ахборот, хабар бериш гуруҳи аъзолари зилзила оқибатида қувурларнинг силжиши натижасида газ чиқиб, қозонхона портлагани ҳақида хабар қилишди. Ташкилот ҳудудида катта ёнғин бошланиши хаффи борлиги ўчун тезликда ёнғинларни ўчириш, қозонхонадаги ярадор ва жабранганларни, ишчи-хизматчиларни эвакуация қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш юмушлари бошлаб юборилди. Ташкилот ҳудудида «Тез ёрдам», ёнғинга қарши бригадалар юборилди. Натижада портлаш оқибатида гишт-тошлар босиб қолган одамлар ўз вақтида кўтқарилди, ёнғин ўчирилди. Барча «жабрланганлар» касалхонага ётқизилди. Ташкилотнинг 60 нафар ходими, маҳалланинг саккизта ишчи гуруҳи, Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари кўтқарув ишларининг ўз вақтида, қўнғилгадидек бажарилишига ўз хиссаларини қўшишди.

«Зилзила» ва «портлаш» оқибатлари бартараф этилган ишчи гуруҳлари раҳбарлари штаб бошлиғига амалга оширилган ишлар бўйича ахборот беришди.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: А. Набиев маҳалласида ўтказилган ўқув машқларидан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.

САЛОМАТЛИК

Гриппдан эҳтиёт бўлинг

Грипп — юқумли касаллик. У беморда оғир асоратлар қолдириши билан бирга, унинг ҳаётини хавф остига қўйиб, баъзи ҳолларда бевақт ҳаётдан кўз юмишгача олиб боради. Шунинг учун у эҳтиётсизликни ёқтирмайди.

Кўз фаслининг ўзгарувчан об-ҳавоси айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Улардан бири нафас йўллари, асаб тизимини шикастловчи ва оғир асоратларга олиб келувчи грипп хасталиғидир.

Грипп кўпроқ куз, қишда тарқалади. Грипп бўлганда бемор иситмалаб (37-40) титраб-қақшади, боши айланади, мускул ва бўғинлари оғрийдди, холи қуриб, кўнгли айниди, қайт қилиши мумкин. Юзи қизаради, кўзи лўқиллайди. Касалликнинг дастлабки соатларида ёки эртасига бурун битиб қолади. Тумов пайдо бўлиб, томоқ қичишади, куруқ йўтал тутади, ютинганда томоқ оғрийдди. Баъзан кўз ёшланади, бемор ёруғликка қарай олмайдди. Касал ўрин-кўрпа қилиб ётмаса ва шифокор буюрганларига амал қилмаса грипп, ўпка, буруннинг ёндош бўшлиқлари (гайморит), ўрта кулқ (отит) яллиғланиши, миянинг зарарланиши каби асоратлар қолдириши мумкин.

Беморни уйда алоҳида хонада ётқизиб қўйиш, иложи бўлса, уйнинг ёруғроқ томонига ётқизиш, у ётган жойни парда билан тўсиб қўйиш лозим. Беморга қарадиган одам оғиз-бурунларига тўрт қавад дона никоб тўтиб олиши даркор. Касал ётган хонанинг ҳарорати 18-20°C бўлиши, хонани тез-тез шамоллатиб, чойшаб ва кўрпа-ёстиқ жилдларини ҳар куни алмаштириб туриш керак. Беморга наъма-тақли дамламаси, сабзи суви ва бошқа мевалар суви, лимонли ва малинали чойни кўп ичириш тавсия этилади. Бемор кунига 6-7 маҳал енгил хазм бўладиган ва оқилга бой овқатлар еб туриши керак. Овқатлангандан сўнг ҳар сафар оғизни кўчсиз сода эритмаси билан чайиб, тишларни кунига 2 маҳал тозалаб туриш шарт.

Грипп бўлганда ўз билганича ҳар хил дорилар ичиш фақат зиён келтиради. Бемор ишлатган буюмларни 15 дақиқа қайнатиш, пол ва уй жиҳозларини кунига 2 маҳал 0,5 фозли хлордан оҳак эритмасига хўлланган латта билан артиш лозим.

Гриппнинг олдини олиш учун организмни чиникитириш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш керак. Ҳар йили куз ва қишда гриппга қарши буронга дори томизилса яхши бўлади.

Насиба АКРАМОВА,
Республика Саломатлик институти ходими,
олий тоифадаги шифокор.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Карамнинг хосияти

Атлантика океанининг Европа қирғоқлари карамнинг илк ватани ҳисобланади. Ҳозирги аҳоли истеъмол қилаётган карам кўпгина карам навларини қадимги римликлар етиштирганлар.

Карамнинг етмиш хили мавжуд бўлиб, боқ карами, гул карами, оқ, қизил, бросселе, савой, колораб, ёввойи карам каби турлари кенг тарқалган. Карам навларининг орасида гул карами ўзига хос таъми ва хушбўйликка эга. Ёввойи карам эса аччиқор бўлади.

Шифобахш ўсимлик — карам қадим-қадимдан кишиларнинг дардига малҳам бўлиб келган. Масалан, қадимги юнонлар, римликлар карам билан уйқусизликни, тутқаноқ касалликларини даволаганлар. Буюқ саркарда Исқандар Зулқарнайн лашкарларига кўчқувват бахш этиш мақсадида жангга кириш олдидан уларга карам ёки карамли таомлар истеъмол қилдиригани ҳам беиз эмас. Карам кайфни тарқатади, иштаҳани очади, унинг шарбати беморларни тез оёққа турғизади. Шунингдек, энг яхши дармондори берув-

чи парҳез таом ҳисобланади. Карам таркибини асосан сув ташкил этса-да, аммо унда яна киши организмни учун зарур ва фойдали бўлган жуда кўп моддалар мавжуд. Қанд моддаси, оксил, минерал тузлар, турли ферментлар, олтингурут ва фосфор тузлари, С, А, В₁, В₂, В₃, Р, К сингари дармондорилар шулар қаторига кириди.

Шу боис карам кўп дардга даво. Жумладан, жигар касаллигига чалинган беморларга карам солиб тайёрланган таомларнинг фойдаси катта.

Агар карамни чайнаб, суви сўрилса, бўрилган овоз очиллади. Организмдаги ёғлар алмашинуви жараёнини карам бошқаради. Бу эса ўз навбатида танадан ортиқча холестеринни чиқариб юборади-да, паритохотирликнинг олдини олади. Карамда пешобни ҳайдаш хусусияти ҳам бор.

Карамнинг ўзидан ташқари, унинг шираси ҳам таъбабда кенг қўлланади. Ширасини тайёрлаш унчалик қийин иш эмас. Бунда оқдйи шира ажратқичдан фойдаланиш мумкин. Мабаодо, у сизда йўқ бўлса, карамни қиймаккайдан ўтказиб, ширасини тоза дока-

дан бирор идишга сузиб олинади. Ширани бир кунлик эҳтиёж учун тайёрлаш тавсия этилади. Чунки у кўп тайёрланиб, узоқ вақт сақланганда ўзида нокуш хид пайдо қилади. Янги ширани салқин жойда сақлаган маъқул. Меъда касалликларига чалинган кишиларга яна шу суоқликдан ҳар кун ич-тўрт пуёлга ичши тавсия этилади (овқатдан олдин). Бундай давони бир ой, зарурат бўлса, яна ҳам узайтирса бўлади.

Маълумки, янги карам шираси ҳар доим ҳам бўлавермайди. У ҳолда нима қилиш керак? деган савол туғилади. Олимлар бунинг ҳам чорасини топганлар. Улар карамнинг куруқ ширасини яратишди. Куруқ ширасининг олиниши худди куруқ сутни олиш усулига ўхшади. Карамнинг куруқ шираси — талқони барча фойдали моддаларни ўзида сақлаб қолади. Хулоса қилиб айтганда, карам нафақат ризқу насоба, балки у шифобахш ўсимлик, доно табиатнинг инсонга инъом этган бебаҳо неъматидир.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли Аъзамжон Гайдобоевич!
Сизни ҳаётингиздаги қўтулғу кўн — эзлик тўртинчи баҳорини қаршилаганингиз муносабати билан чин кўнгидадан табриқлаймиз. Келгуси ҳаётингизда ва фойалингизда омадлар ёр бўлишига тилақлошмиз. Доимо соғ-омон бўлинг!
Қадрдонларингиз номидан: Дилшод.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусан Эълонлар ва хўбусий бизнес бўлжа эълонларини, шўнжидек таъзиларни, тавааллў кўнлар, тузалар, юбилейлар муносабати билан кўтувларингизни, нискоқ эълонлари ва шўнга ўхшаш эълонларингизни ўз саҳифаларида бритади.

Эълонлар шўнга ва иқшобдан тўшари ҳар кун соат 8-20 даққ 17-30 гача кўнлар қилинади.

Маълумотлар учун тел.факс: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Бу ажиб дунё

Ароқ ичгани учун жазоланади

Спиртли ичимликлар ичгани учун полиция Техронинг марказий гавжум майдонларининг бирида кишиларнинг кўз олдида 13 йигитни дарра билан жазолаган. Бу жамоат судининг спиртли ичимликлар ичгани учун айбдор бўлганларининг сўнгги ойдаги Эрон пойтахтидаги тўқтинчи воқеа.

Ислол қонунига кўра Эронда спиртли ичимликлар ичган одам жазоланади.

Дўстлари учун уловидан айрилди

Ўзининг уч дўстини машинаси билан ишхоналарига етказиб қўйгани учун Жанубий Африка Республикасининг фуқароси Жон Мотсао шахсий уловидан айрилди. ЖАР қонунларига кўра бундай ҳуқуқни бузувчиларга йўл берилмайди ҳамда бунинг учун қатъий жазо кўрилади.

Қонунга кўра ЖАРда шахсий машинада йўловчиларни олиб юриш қатъий маън этилган.

Қариб қуюлмаган чол

Етмиш ёшдаги мисрлик Мустафо Эйд Сомида шу ёшгача 203 марта уйланиб, шунча марта ажрашибди. У ўзининг никоҳ марафонини 15 ёшда бошлаган экан. У аёллари билан кўп ашаманган, энг узоқ яшагани 10 йил, энг ози бир кечаю кундуз бирга яшаган.

У шу кунларда ўзига мос ва хос аёл излаш билан вақтини ўтказмоқда. Бирок, у яқин кунларда қаторасига икки аёл олиш нияти бор эканини ҳам яширмапти.

Мис соғлиққа фойдали

Уйдаги занг босмайдиган темир билан қопланган таом каседадан столлар ичак инфекцияси билан касалланишни камайтиришига қодир экан. Мисдан асалган идишларда ош тайёрлаган пайтда ичкадаги зарарли микроблар тез ўлади.

Буни британиялик олимлар аниқлаган. Сауттемтонг университетининг олимлари юзи мис билан қопланган столларда таом тайёрлаш пайтида ичкадаги ўта зарарли микроблардан бири E Coli 0157 хона ҳароратида тўрт соат ичда йўқ бўлиб кетишини — қирилишини аниқлашган. Занг босмайдиган пўталарда эса ажралган микроблар бир ой яшар экан.

Туякуш ва эчки ҳам бойлик

Яқинда бўладиган сайловга тайёрларик ишларига киришган Гамбия президенти Яя Жамме халқига ўз ихтиёрларидидаги бойликларининг рўйхатини маълум қилган. Президентнинг бошқа бойликлари билан бирга, 9 туякуши, 75 эчки бор эканини ҳам маълум бўлди.

Чунки халқ конституцияси сайлов арасида Президентликка даъвогарлардан ўзининг бойликлари тўғрисидаги маълумотларни бутунлай халқнинг назарига тақдим қилишни талаб этади.

Аспирин — диабетга дори

Америка олимлари аспиридан фойдаланишнинг тагин бир йўлини топишди. Уни кўп миқдорда ичган ҳолатда бу дори қанд диабетини билан касалланганларга ёрдам берган.

Касалланган сичқонлар устида ўтказилган тажрибалар қон таркибидидаги қанд босимини пасайтирган.

Кўча ҳаракати қондасини атайин бузмади...

Хэмшпирнинг 44 ёшли фуқароси О. Нейл ва унинг яқинида уйланган 43 ёшли хотини Дорис Лэмон тасодифан танишиб қолган. Кўча ҳаракати инспектори Дорис кўнлардан бирида Нейлга 20 доллар жарима бланкасини ёзиб берди.

Шу кундан бошлаб О. Нейл машинасини рўхсат этилмаган ерга тўхтайтиши одатга айлантиради. Бир неча марта жарима солингандан кейин инспектор аён ўзини ёқтирган йигитнинг долларини яядими ёки унга ўзи қўнғил берганидани, О. Нейлга турмушга чиқишга розилик берди.

Қиайрбой ТўЛАБОВ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2668 нусхалда босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.